


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 210 (10.515)

2005 ЙИЛ 25 ОКТЯБРЬ



ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА савтларда

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда «Хуқуқий-демократик ва фуқаролик жамияти куриш йўналиши бўйлаб кетаётган тарғибот поездди» лойиҳасига бағишлаб уюштирилган матбуот анжумани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза компьютер коллежида бўлиб ўтган тадбир «Ўзбек тилим — жону дилим» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказида «Ёшлар — гивандликка қарши» мавзудида ўтказилган тадбир «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

● **МАННОН** Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида «Зулфияхоним қизлари» курик-танловининг Миробод туман босқичи ўтказилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги Хусайн Бойқаро номидаги маҳаллада «Усмирлар билан профилактик ташвиқот ишлари» мавзудида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилган давра суҳбатида туман ИИБ ходимлари ҳам иштирок этишди.

● **ОБОД** маҳалласида Сихат-саломатлик йилига бағишлаб Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


«Надежда» корхонасида асосан тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган, лекин ҳаётга, меҳнат қилишга иштиёқи билан ишчи-хизматчилар ишлашади.

Тадбиркорлик

ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шу боис ҳам бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар кўриниши ва сифати билан ажралиб туради. Корхонада асосан пластмасса маҳсулотлари ҳамда кенг турдаги тошойналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, уларни тайёрлашда бозор талаби, харидор эҳтиёжи ҳисобга олинади.

Россиядан келтирилган дастгоҳлардан фойдаланиб маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган пластмасса ва ойна маҳсулотларининг нафайта пойтахтимизда, балки Термиз, Нукус, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ҳам ўз харидорлари бор. Тушган



буюртмалар асосида тайёрланаётган маҳсулотларнинг турлари янгилашиб боради. Бунда моҳир уста ва мутахассислар тажрибасидан унумли фойдаланилади. Айниқса, Ольга Мельникова, Музаффар Руфиев, Мираҳмад Минулин, Обид Ибрагимов сингари усталар ҳар бир маҳсулотнинг сифати, чиройли кўриниши устида тинмай ишлашади.

Ўтган йилларда корхонада республика Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон темир йўллари Давлат акционерлик компанияси буюртмалари ҳам муваффақиятли адо этилди. Шунингдек,

ҳалқ истеъмоли молларининг кенг турдаги буюмлари тайёрланди. Айни пайтда корхона тадбиркорларининг изланишлари, янги маҳсулот турларини яратиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: ойна йиғувчи усталар Музаффар Руфиев ва Виталий Уталиевлар маҳсулот тайёрлашда маҳорат кўрсатишмоқда; тайёр маҳсулотлар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНА

«Интер-сок» Россия-Англия-Ўзбекистон кўшма корхонаси мамлакатимизда етиштирилган сархил мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган. Швециянинг «Тетрапак» линияси кўмағида «Фруктовый сад» маркиси остида қадокланаётган ўнга яқин турдаги бу мазали табиий шарбатлар ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топмоқда.

— Яқинда юз фоиз маҳаллий хомашё - асосан анор ва узум ҳамда қисман бошқа мевалар аралашмасидан тайёрланган шарбатлар ишлаб чиқаришни бошлаймиз, - дейди корхона бош директори Юрий Нуритдинов. -

Ўшанда яна эллик нафар йигит-қиз ишли бўлади. Шунингдек, чет элга экспорт қилиниши кўзда тутилаётган маҳсулотларимиз тури ҳам кўпаяди.

ЎЗА

Обуна — 2006

“ОҚШОМ” ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутулаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 2006 йил учун обуна расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда бар-

ча нашрлар қатори бизнинг «Оқшом» тахририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг тақлиф ва истақларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рунжлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳам-



фикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белги-ланган.

XVI сақоси аср

Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкент вилояти деҳқонлари қабул пунктларига 275 минг тоннадан зиёд хомашё етказиб бериб, давлатга пахта топшириш шартнома мажбуриятини бажарди.

● Қабул пунктларига 323 минг тонна хомашё етказиб берган фарғоналик миришкорлар давлатга пахта сотиш мажбуриятини бажарди. Етиштирилган хомашёнинг 81 фоизи юқори навларга сотилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада жонлантиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти ҳокимлигида давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи «Гулистон-Гагарин» автомобиль йўлининг биринчи навабати фойдаланишга топширилди. Давлат аҳамиятига молик 35 километрлик ушбу йўлни қайта куриш ва тўлиқ таъмирлаш ишларини буюртмачи — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси автомобиль йўллари бирлашган дирекцияси амалга оширди.

Жаҳонда

● Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилати ташкил топганига 60 йил тўлди.

● Россия Федерациясида Камчатка ярим ороли ва Корякия автоном областини Камчатка ўлкасига айлантириш масаласига бағишланган референдум ўтказилди.

● Грузия пойтахти Тбилисида шаҳар кунни байрами бўлиб ўтди.

● «Вильма» тўфони Мексиканинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган курортларга бой Юкотан ярим оролига хуруж қилди. Тўфон оқибатида кўплаб уйлар вайрон бўлди, уч киши ҳаётдан кўз юмди. Тўфондан ҳаммаси бўлиб 1 миллиондан ортиқ киши зарар кўрди.

● Нигерияда маҳаллий йўналишларга хизмат кўрсатувчи «Боинг-737» самолётининг ҳалокатга учраши оқибатида асосан мамлакатнинг мансабдор шахслари ва хорижликлардан иборат 108 нафар йўловчилар ва 6 нафар экипаж аъзоларининг барчаси ҳаётдан кўз юмди.

● Буёк Британиянинг Ноттингем шаҳри атрофидаги Шервуд ўрмонларида Робин Гуд фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган мазкур анжуман доирасида Фламанд сармова ва савдо бўйича агентлиги ҳамда Валлон экспорт ва хоризжий сарможалар бўйича агентлигида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва сарможалари лойиҳалари тақдимотлари бўлиб ўтди. Уларда Фландрия, Валлония ва поймахт шаҳар — Брюссель худудларида жойлашган 100 дан ортқ фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

Мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари, сарможий муҳитни яхшилаш ва республикада давлат тасарруфидоги саноат объектиларини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан қабул қилинган янги қонун ҳужжатлар хусусида Ўзбекистон делегацияси раҳбари тақдим этган маълумотлар Бельгия бизнеси вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Тақдимот маросимларида Давлат мулки қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзбеккентисаноат», «Ўзқимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, республика савдо-саноат

палатаси вакилларида иборат мамлакатимиз делегацияси аъзолари Бельгиянинг фирма ва компаниялари билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари тўғрисидаги ахборотла-

тишини қайд этди.

Ўз навбатида Валлон экспорт ва хоризжий сарможалар бўйича агентлиги Бош директори Ф.Суинен Валлония минтақасининг кўплаб компаниялари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти мавзусидаги ушбу тақдимотда фаол иштирок этаётгани минтақа ишбилармон доираларининг мамлакатимиз билан алоқаларни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қараётгани ва бу қизиқиш, айниқса, қимё, дори-дармон ишлаб чиқариш, энергетика, тўқимачилик саноати, шунингдек, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида кучли эканини таъкидлади.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари Брюсселда Бельгиянинг 40 дан ортқ фирма ва компаниялари вакиллари билан учрашув ва музокаралар ўтказишди. Уларнинг натижаси ўлароқ, ўзаро ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари бўйича аниқ ахдлашувларга эришилди. Европаликларнинг ақсарияти яқин вақт ичида мазкур келишувларни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистонга таширф бюририш ниятида эканликларини маълум қилдилар.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Брюссель

БЕЛЬГИЯДА ЎЗБЕКISTON ИҚTISODIЁТИ KUNLARI

Брюсселда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири В.Гольшев бошчилигидаги делегация иштирокида уч кунлик Ўзбекистон иқтисодий форуми низоҳисига етди.

рини ўртоқлашдилар.

Фламанд сарможа ва савдо бўйича агентлигининг Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан алоқалар департаменти директори М.Бюрлен ўз чиқишида Ўзбекистоннинг ислохотларни рўёбга чиқаришдаги муваффақиятлари, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ва экспорт ҳажмининг барқарор равишида ўсиб бораётгани ҳамда бу йилги пахта ва бугдойдан юқори ҳосил олингани хоризжий сармоядорларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада қулайтириб, икки мамлакат компанияларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яра-

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридоги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Миллий истиқлол гоҳиси — жамиятнинг демократлаштириш ва модернизациялаш омили» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуман янги жамият қуришда, миллий тараққиётни таъминлашда миллий истиқлол гоҳисининг аҳамиятига бағишланди. Зеро, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз асрий орзуси буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсадмуддаоларини амалга оширишда миллий истиқлол гоҳисини ёшлар онги ва қалбига етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабаб анжуман давомида миллий истиқлол гоҳисини ёшлар онгига сингдиришда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

— Бу усуллар ёшларнинг кундалик ҳаётидаги аъёналаридан келиб чиқиши керак, — деди фалсафа фанлари номзоди Ботир Валиев. — Масалан, ноанъанавий усуллар маъруза, йиғилиш ёки суҳбат шаклида бўлмасдан, ёшларга осон, тез этиб борадиган, айниқса, бугунги ахборот технологияларини ҳисобга оладиган бўлсақ, интернет йўлларида фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқиши керак. Турли иллюстратив ёргазма материаллари ёшларни ўз жозибаси билан жалб қила оладиган, лекин шу билан бир қаторда унинг замирида чуқур мазмун ётадиган материалларни танлай билиш ҳам муҳим саналади.

Анжуманда таъкидланишича, давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан аҳоли-

нинг турли қатламлари онгига миллий истиқлол гоҳисининг асосий тушунича ва тамойилларини сингдириш самарадорлигини оширишга қаратилган 19 рисола нашрдан чиқарилган. Анжуман доирасида ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар учун мўлжалланган ўқув қўланмаларининг тақдироти ҳам ўтказилди.

— Бугунги кунда ана шундай қўланмаларга аҳтиёж катта, — деди Давлат ва жамият қурилиши академияси нашриёт директори Бақодир Умаров. — Бутун дунё бўйича ахборот қуружси амалга оширилаётган бир пайтда мафкурамизга ёт бўлган гоғларга қарши курашиш учун биринчи навбатда аҳолида, айниқса ёшларимизда ёт гоғларга курашувчи иммунитетни шакллантиришимиз керак. Одамлар миллий истиқлол гоғларини тарғиб қилувчи юзлаб бетли китобларни ўқшмайди. Тарғиб жараёнида сингдиришнинг бўлган гоғамизни қисқа, мазмунли ва албатта жоқибали рисолаларда акс эттиришимиз зарур.

Анжуман давомида замонавий раҳбар ва бошқарув кадрларининг маънавияти ва миллий истиқлол гоҳисини уларнинг раҳбар шахс бўлиб шаклланишидаги аҳамияти тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди.

«Туркистон-пресс»

Бундан ўттиз йил аввал бу автобус саройига асос солинган эди. Кичик транспорт корхонаси янглиг ташкил топган «18-автосарой» бугунги кунда йирик ҳўжаликни ташкил этади.

Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

Тўрт гектарлик майдондан ўрин олган автокорхона ихтиёрида замонавий транспорт воситаларидан бир нечтаси бор. Мавжуд эскирган техникани янгилаш мақсадида эса 54 та «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар олинди.

Улар 14 та йўналишда қатнаб, йўловчилар узогини яқин қилмоқда. Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Чилонзор туманлари худудлари аҳолиси ҳам намунали транспорт хизматида мамнун.

Автобус саройининг ўттиз йиллик санаси муносабати билан жамоа тарихининг техник базаси янада мустаҳкамланди. Энг яхши транспортчилар муносиб тақдирланди.

Акбар АЛИЕВ

Мағбиркорга — омад ёр

ЭКСПОРТ ҲАМ ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Хулкар Йўлдошева бошқа сафдошлари каби иқтисодиётимиз ривожига озми-кўпми улушини қўшиб келмоқда. Мутахассислиги муҳандис бўлган тадбиркор оила аъзолари кўмагида 1991 йилда хусусий корхона очига эришди, шундан бунён ишлар бир маромда бормоқда.

Этиборли томони, Россия давлатидан келтирилган замонавий, унумли дастгоҳ, ускуналар мададида улар республикамизда ягона шам ишлаб чиқарувчилар ҳисобланишди. Тадбиркорнинг сифатли, кўркам, ишлатишда қулай, бежирим маҳсулотлари харидорлиги билан ажралиб туради, улар ҳўжалик манзарали ҳамда бадий безакланган турларга бўлиниб, ўз миқозларини мамнун этмоқда.

Айниқса, интилиш, изланиш туйфайли яратилган овсағоб шамлар, яъни 12 та мучал рамзи ҳисобланган ҳайвонлар шаклидаги бир-биридан чиройли, бежирим, турфа рангли турли ҳажмлардаги корхона маҳсулотлари нафақат поймахтда, балки бутун республикада яхши танилган. Бунинг замирида эса машаққатли меҳнат, ташаббускорлик ётади.

— Тадбиркорликни ривожлантириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида ишбилармонлар-

нинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласи Президентимизнинг доимий этиборларида турганлиги, — дейди хусусий тадбиркор Хулкар Йўлдошева, — шу йўлдаги сазй-ҳаракатлар тадбиркорнинг фаолияти ривожини таъминламоқда, бир имкониятга яна ўнта имкониятлар эшигини очмоқда. Юртбошимизнинг бу борадаги қатор Фармонлари ва Қарори тадбиркорлар учун дастуруламал ҳисобланади. Янги меъёрлар бўйича бизга кўпгина ваколатлар берилмоқда, аммо бу авваллабор маъсулиятдир.

Айни кунларда тадбиркор катта лойиҳа устида кизгин иш олиб бормоқда. У ҳам бўлса рақобатбардош маҳсулотларни «Ўзбекистонда тайёрланган» тамгаси билан хоризжий давлатларга экспорт қилишни йўлга қўйишдир. Танланган тўри йўл эса албатта, мақсадга эриштиришига шубҳа йўқ.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

«Ўзбекистон Республикаси: Минг йилликнинг ривожлаш мақсадларига хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича Миллий ҳаракат дастури доирасида эришиш» нашрининг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур нашр Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида тайёрланди. Тақдимот маросимида Олий Мажлис депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, олий ўқув юртли вакиллари, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, журналистлар қатнашди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Маълумки, 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган IV Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида аёлларнинг аҳволини яхшилаш борасида устувор йўналиш ва асосий вазифалар белгилаб олинган эди. Ўтган даврда Ўзбекистон хотин-қизлар ҳаракатида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Пекин декларациясига қўшилгандан кейин 1999 йили Миллий ҳаракат дастурини қабул қилди. Мазкур дастур хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш учун давлат ва жамоат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар ҳаракатини янада тақимлаштириш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди.

Тегшли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва жамаармалар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари зарур маълумотларни тақдим этиб, ушбу нашрни тайёрлашда фаол қатнашди. Унда ўтган ўн йил ичида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш борасида эришилган ютуқлар акс эттирилиб, мазкур йўналишдаги ишлар натижалари тахлили берилган.

Тақдимот маросимида таъкидландики, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган ҳамда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш масаласи бўйича ҳар томонлама назарий ва амалий материални ўз ичига олган бу китоб хотин-қизлар муаммолари билан шугулланувчи ташкилотлар фаолиятида муҳим қўланмага айланади.

У.А

Иқтисодиёт

ЯНГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
«Галеника» маъсулияти чекланган жамияти табиий гиёҳлардан фойдали дори маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналардан саналади.

1994 йил маъсулияти чекланган жамиятига айлантирилган корхонада 37 номдаги дори-дармонлар тайёрланмоқда. Йод, яшил суртма дорилар, настойка, бальзам экстрактлари ишлаб чиқарилаётган корхонада 50 нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Корхонанинг тайёр маҳсулотлари республикамизнинг барча дорихоналари орқали харидорларга етказиб берилади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва табиёт техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан сертификатланиб ишлаб чиқарилаётган ушбу дори маҳсулотлари етакчи мутахассислар изланишлари самараси ўлароқ табиий ва сифатли тарзда тайёрланади.

Асаб тизими, юрак қон-томир, гипертоник касалликларда тинчлантирувчи дори воситаси ҳисобланган арслонқўруқ настойкаси, миозит, радикулит касалликларида фойда берувчи қалампир настойкаси, юрак ва миёга фойдали тоғ жамбули экстракти, мойчечак, атирғулдан тайёрланган косметик глицеринлар, аёллар фенсулал суртма дорилари сифати, тайёрланиш жараёни билан бошқалардан ажралиб туради.

Айни пайтда корхона мутахассислари томчи ва суртма дори воситаларининг янги турлари устида иш олиб бормоқдалар.

ЖАЖЖИ БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Бугунги кунда «Шафактестиль» ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган болалар кийимлари 100 фоиз пахтадан тайёрланмоқда.

Ушбу қўшма корхона фаолият кўрсатаётганига кўп вақт ўтмаган бўлсада ички бозорда ўз харидорларини толган десак ҳато қилмаган бўлаемиз. Корхона ишчи-хизматчилари қисқа вақт ичида 65 хил моделда болалар кийим-кечакларини яратиб, ишлаб чиқаришга жорий қилишди.

Қўшма корхонада тикилаётган кийимлар учун сифатли хом ашё Туркиядан келтирилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, корхонада тайёрланаётган болалар кийим-кечаклари бошқаларига нисбатан бир мунча арзон ва сифатли.

Корхона ходимларининг келгуси режалари 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган жажжиларга ҳам либослар тайёрлаш ва тайёрланган янги модалдаги маҳсулотларни Германия, Россия давлатларига экспорт қилишдир.

Орзуғул РУСТАМОВА

Мажлислар

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Хар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Бизнинг юртимизда ҳам жамиятда аёлларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳар хил соҳада имкониятларини рўйбга чиқариш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Аънамага айланган "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам қизларга бўлган эътиборнинг яққол мисолидир.

Учтепа туманидаги Республика дизайн коллежида ушбу танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

Унда бири-биридан сулувлар, оқила, солиҳа қизларнинг тўққиз нафари ўз икtidорлари ва истеъодларини ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар олдида намойиш қилишга мушарраф бўлдилар. Миллий либосларда гул-гул очилиб турган бу дилбар қизларнинг ҳар бири бир олам ойдин орзуларга ошно бўлгани ҳолда ўзларининг билимларини санъатлари ва икtidорларини намойиш қилдилар, ҳакамлар ҳайъати аъзолари эса, уларнинг ҳар бир чиқишларини одиллона тарзда баҳолаб борди, меҳмонлар ва талабалар гулдрос қарсақлари билан қизларни оқиллашб турди.

Танишув, ўз истеъодларини намойиш қилиш ва эркин мавзудан иборат бўлган 3та шартни

бажаришда Республика дизайн коллежи талабаси Гулбахор Қодирова— маданият, Тошкент юридик коллежи талабаси Хуршида Гофурова—фан, 106-ўрта мактаб ўқувчиси Маҳмудова Дилафруз—санъат, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси талабаси Қандолат Юсупова— адабиёт, Давлат солиқ қўмитаси қошидаги солиқ коллежи талабаси Муножат Холматова эса таълим йўналишлари бўйича голибликни қўлга киритишди.

—"Зулфияхоним қизлари" кўрик-танлови кўнгилдагидек ўтди, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси туман ҳокими ўринбосари хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Гийёсова.— Иштирокчи қизларимизнинг барчаси шартларни тўла-тўқис бажаришди. Мен бу назокатли, зукко қизларга омад тилайман. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, зукко ва

оқила қизларимизни мактабда ўқиётган давридаёқ ушбу танловга тайёрлаб бориш керак. Зулфияхоним издошлари наинки донолик, зукколик ва билимдонликда, балки шарму ҳаё, қизларга хос бўлган нафосат, латофат наздида ҳам ҳаммага ўрнатилиши, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни эъзозламоғи, қадрламоғи шарт. Зеро бундай юксак ном доимо юксакликка томон чорлаши жоиздир...

Дарҳақиқат, Зулфияхоним нафақат оташнафас, ҳассос шоира, садокатли ёр, балки фаол халқро арбоб, ботиний ва зоҳирий гўзаллиги, идроки, меҳри, истеъдоди билан халқнинг юрагидан



жой олган инсон эди. Зулфия мукофотига сазовор бўлиш эса улкан ютуқ, катта бахтдир.

Биз ҳам танлов голибларига омадлар тилаб қоламиз.

Гулнигор САТТОРОВА СУРАТЛАРДА: Учтепа туманида ўтказилган "Зулфияхоним қизлари" кўрик- танловидан лавҳалар.

Саъват

ҲАЖВИЙ ВИДЕО-ЖУРНАЛ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

Болакайлар севадиган кўғирчоқ фильмларни қўллаб яратиш тадбирлари кўрилмоқда. "Ўзбекино" миллий агентлиги саъи-ҳаракати билан илгари мавжуд бўлган "Зумраша" болалар ҳажвий видео журнали қайта тикландиган бўлди.

Бу эса кичкинтойларга завқ-шавқ бахш этувчи мультфильмлар туркумларини суратга олиш имконини беради.

Болалар ва ўсмирларга мўлжалланган қизиқарли мультитўпламларнинг ҳар бири 20 га яқин картинани ўз ичига олади.

Бундан ташқари маънавият ва маърифатга доир мультфильмлар ҳам экранларга чиқарилади.

УСТОЗ

САНЪАТКОР

ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Ўзбек кино санъатини ривожлантиришда таниқли актёрларнинг хизматлари ҳам катта бўлди. Дастлабки ўзбек киноактёрларидан бири ҳисобланган Раҳим Пирмухаммедов ҳам бутун истеъдодини шу санъат равақига бағишлади.

У дастлаб овозсиз фильмларда роллар ижро этиб, томошабинларга танилди. Кейинчалик "Алишер Навоий", "Абу Али ибн Сино", "Фарғона қизи", "Сен етим эммансан", "Маҳаллада дувдуг гап" каби бадиий фильмларда эса қоларли обрларга эришди.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси ана шу етуқ санъаткор ҳақида янги фильмни суратга олди. Бу ҳужжатли экран асари устоз санъаткор таваллудининг 110 йиллигига яхши совға бўлди.

"ЭТЮД"НИНГ

ЯНГИ СПЕКТАКЛИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсататётган "Этюд" йигит ва қизлар тажриба намуна театри репертуарида бир нечта спектакл бор. Шу йилнинг ўзида яна иккита постановка томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Яқинда саҳна юзини кўрган асар эса "Сергейнинг мангу лаҳзалари" деб номланди. Таниқли рус шоири Сергей Есенин таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан тайёрланган бу спектаклдан шоирнинг республикамиз пойтахти Тошкентда кечган йиллари ҳақидаги лавҳалар ҳам ўрин олди.

Янги постановкада шоир севган мусиқалар ҳам янграйди.

Ақбар АЛИЕВ

Анжуманлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Аввал хабар берилгандек, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида стратегик муҳим масала бўлган иқтисодий соҳаларни инновацион ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга сановатчилар, олимлар, тадбиркорлик кучларини интеграциялашга қаратилган "Инновация - 2005" халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманнинг ялпи мажлиси Тошкент Давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, профессор Ш.Шообидов, дастурий қўмита раиси, Стратегик инновациялари Информатизация маркази директори, Олий мактаб Халқаро Фанлар академияси академиги техника фанлари доктори, профессор О. Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология илмий — тадқиқот институти директори, география фанлари доктори В.Чуб, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг иқтисодийёт ва ривожланиш бўлими раҳбари Мисхольф Хоффманн, Навоий кони- металлургия комбинати Марказий бошқармасининг бош муҳандиси, профессор В. Ситенков, Тольятти Давлат университетининг (Россия) Автомеханика институти директори,

профессор О. Драчёв, доценти А.Белов, Мурунот конининг бошлиғи, техника фанлари номзоди П. Шеметов ва бошқаларнинг чиқишлари билан бошланди. Уларнинг "Инновация лойиҳаси" га 10 йил, "Ўзбекистон Республикасида чўлранишга қарши курашда ўрмон ҳўжалигининг роли", "Германияда инновация ривожига эриштиришга доир", "Ер қаъридан рационал фойдаланишнинг асосий иқтисодий шарт-шароитлари", "Ўққа симметрик бўлган узун ўлчамли деталларни тайёрлашнинг илгор технологияси", "Автомобиль ва тракторозлик" мутахассислиги бўйича яратилган виртуал кузатуви ва бошқа долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Саволлар ва жавобларда, баҳс, мунозараларда назария, амалиёт, интеграция масала-

лари, муаммоларнинг айрим қирралари янада ойдинлашди.

Анжуман материалларининг "Илмий мақола-лар тўплами" сифатида нашр этилганлиги ва қатнашчилар орасида тарқатилганлиги олимлар, амалиётчилар ва бошқа қатнашчиларнинг фикр алмашиш имкониятини янада кенгайтириш билан бирга, сифат даражасини, муаммоларини ҳам кўрсатиб турибдики у муаллифлар масъулиятини янада оширади.

Ушбу анжуман ҳам аввалгилари каби мамлакатимизда инновацион жараёнларни янада ривожлантириб, Ватанимиз фанининг ютуқларини жамлаган ҳолда намойиш этди, маданият, илмий ва техник ҳамкорлик соҳасида тажриба алмашишга имкон яратди. Ушбу анжуман илмий-ижодий руҳда баҳс ва мунозарали ўтиб, фикрларга бой бўлди.

Анжуманнинг яқунловчи мажлисида "Инновация - 2005" қатнашчилари томонидан илм-фан, амалиёт, ташкилий ишлар бўйича билдирилган фикрлар ва қабул қилинган қарордан келиб чиқиб набаъдатдаги анжуманга бунёдиган давр ун мулжалланган вазифалар белгиланди.

Кейинги ўн биринчи анжумани 2006 йил октябр ойининг учинчи ўн кулигида Тошкент шаҳрида ўтказилишига келишиб олинди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ, Тошкент Давлат техника университети доценти

Маълим масканларида

КЕЛАЖАКНИНГ ЁРҚИН ДАВОМЧИЛАРИ

Шаҳримиздаги ташкилот ва муассасалар, айниқса таълим тарбия масканларида «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганлигининг 16 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида бўлиб ўтган тадбир ҳам ўқувчилар фаоллиги остида сермазмун ва қизиқарли кечди.

«Тил миллатимиз қалби» мавзусида ўтказилган ушбу байрам тадбирида лицей ўқувчилари, ўқитувчилар ва соғиб талабалар иштирок этдилар.

— Тил миллатимиз кўзгуси, диллимиз гуруридир, — дейди академик лицей директори Насиба Нарзиқуллова. — Хар бир миллат ва элат ўз она тили билан фахрланганлиги албатта. Бинобарин, ёшларимиз ўз она тилига нисбатан меҳру-муҳаббат, эҳтиром ва эъзоз ҳиссини ҳис қилиб тарбияланмоғи шарт. Зеро улар келажатимиз давомчилари, миллий қадриятларимиз ва аъёнларимиз ижрочиларидир. Лицейда ўқувчиларнинг маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратилади. Турли учрашувлар, тадбирлар ўтказиш, музейларга бориш, тарихий обида, ёдрорликларни зиёрат қилиш, Меҳрибонлик уйлари билан алоқа ўрнатиш каби ишлар мун-

тазам олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, лицейда Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кеча жуда сермазмун ва мароқли тарзда кечди. Ўқувчилар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, сержила рақслари, тил ҳақидаги фикр, мулоҳазалари, шеърлари ва саҳна кўринишлари билан барчанинг кўнглига ҳушнудлик бахш этишди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини фойдали ишларга тўғри тақсимлаш, мана шундай тадбирларни ўтказиб туриш ушбу ўқув масканида аънамага айланган.

Собир Раҳимов академик лицейи 1999 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 676 нафар ўқувчи таълим олмақда. Иجتимоий-гуманитар ва антик фанлар йўналиши бўйича тахсил олаётган ёшларга барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчиларни илмий-амалий тадқиқот ишларига жалб қилиш



ўчун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг институтлари билан ҳам бевосита ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўқувчиларга яратилаётган имкониятлардан яна бири Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасидир. Ўқувчилар бу ерда ўзларини қизиқтирган барча соҳаларга оид адабиёт ва ўқув қўлланмалари, турли манбалардан фойдаланиш имкониятига эгадилар. Шунини таъкидлаш керакки, лицей ўқувчилари республика ва шаҳар мекдесидида ўтказилаётган турли танлов ва олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов академик лицейида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.



«Оқшом» газеталари ижодий ходимларининг муштарийлар билан навбатдаги учрашуви Юнусобод туманида бўлиб ўтди. Дил сўзлари изҳор этилган очик, ошкора, ижодий мулоқотда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар оқсоқоллари, халқ таълими муассасалари ходимлари иштирок этди. Учрашув давомида «Оқшом» газеталарининг бугунги фаолияти, келгуси йилдаги режалари билан бир қаторда Юнусобод туманида ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар ва ечимини кутаётган айрим муаммолар хусусида ҳам мушоҳада юритилди.

Дарҳақиқат, Юнусобод майдони жиҳатида ҳам, истиқомат қилаётган аҳоли сонига кўра ҳам шаҳримиздаги энг улкан туман ҳисобланади. Чунончи, туманнинг эгаллаб турган майдони 4106 гектарни ташкил этиб, айни дамда ушбу ҳудудда 70 мингдан ортиқ оилаларда 290 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

Юнусобод тумани деганда кўз олдимизга баҳаво ва хушманзара, хориждаги шу каби ҳордик масканларидан қолишмайдиган «Тошкентленд» дам олиш маскани ва аквапарк, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Тасвирий санъат галереяси, Тошкент телеминораси, «Ўзбекистон» спорт мажмуаси, Сув спорти саройи каби бектор ва ноёб, мухташам иншоотлар келади. Таъкидлаш жоизки, шаҳримизнинг энг баланд нуқтасида жойлашган, бир вақтлар ўзининг сўлим табиатию серҳосил далабоблари, айниқса ширин-шакар узумлари ва тилёрар қовунлари билан донг таратган Юнусобод тумани қиёфаси кейинги йилларда тобора янгилашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда туманда 73 та мактабгача тарбия муассасаси, 42 та умумтаълим мактаби, 11 та ўрта махсус ва 4 та олий ўқув юртлири бор. Туман аҳолисига 31 та шифона ва 8 та касалхона, 2 та кинотеатр, 11 та маданият уйи, 24 та кутубхона, 3 та мусика мактаби, 186 та спорт иншоотлари, 1439 та савдо, 346 та умумий овқатланиш ва 411 та маиший соҳа корхоналари хизмат кўрсатади.

Жорий йилнинг биринчи ярми ҳолатига кўра тумандаги 125 та йрик корхона ва ташкилотлардан 109 таси, ёки 87,2 фоизи 10,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Яъни туман бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ижобий бўлиб, умумий ҳисобда 2,2 миллиард сўм фойда олинди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 332 миллион сўмга кўпдир.

Шу йилнинг январь-июнь ойларида туманда 342 та янги корхоналар тузилган бўлиб, улардан 151 тасини масъулияти чекланган жамиятлари, 113 тасини хусусий корхоналар ҳамда 78 тасини бошқа мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқарувчилар ташкил этади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 545 та жисмоний шахсларга гувоҳнома берилди.

Кичик бизнес корхоналарнинг даромади 49,6 миллион сўмни ташкил этди, экспорт ҳажми 3002,5

минг АҚШ долларига тенг бўлди, яъни бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 12 фоизга юқоридир.

Банк тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит ҳажми 5,1 миллион сўмни ташкил қилди.

Жорий йилда санатда ўсиш суръати 119,4 фоизни ташкил этди.

Туманда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳаллийлаштириш дастури асосида 9 та корхона фаолият юритмоқда.

Туманда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўш иш ўринлари, ишлатилмаётган қувватларни инobatга олган ҳолда 2005-2007 йилларда қўшма корхоналар тузиш дастур лойиҳаси тайёрланган. Жорий йилнинг ўтган даврида тузилган 9 та қўшма корхона ҳисобига 44 та иш ўринлари ташкил этилди. Биргина масъулияти чекланган жамияти кўринишида тузилган янги «Alskim Tekstil» қўшма корхонаси томонидан 4,8 миллион АҚШ долларига тенг трикотаж маҳсулотлари экспортга йўналтирилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича тўла ҳамда жорий таъмирланган 220, 239, 240-мактаблар Муствақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, «Мингўрик» маҳалласида чойхона, бир қатор маҳаллаларда гузар, поликлиника, спорт майдончалари, маиший-маданий хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади.

Юнусобод туманида юз бераётган ўзгаришлар, шубҳасиз, юнусободликларнинг эртанги кун, келажакка ишончи ва интилиши далилидир...

Бинобарин тумандаги учрашув ҳам ўринли мулоҳазалар, қизиқар-

ли таклифларга бой тарзда ўтиб, «Оқшом» газеталари ижодий ходимлари учун ҳам, йиғилганлар учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмади.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Баҳодир Мусаев матбуотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва туманнинг бугунги кунини хусусида қисқача тўхталиб ўтгач, бош муҳаррир А.Ақромов газетанинг бугунги кундаги иш жараёни, келгусидаги ижо-

даси йилдан бошлаб ҳар ойда туманлар ҳаётига бағишлаб чиқариладиган газета сонларида эса маҳалла, соғлиқни сақлаш, таълим, ички ишлар, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий, кўйинчи барча соҳалардаги янгилашларни қамраб олишга ҳаракат қиламиз.

Ижодий учрашув қатнашчиларига «Оқшом кутубхонаси» туркумида чоп этилган «Оз-оз ўрганиб доно

мулкдорларининг манфаатлари, қабул қилинаётган Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятининг чуқур сингдирилишига хизмат қиладиган мақолалар янада кўпроқ чоп этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Балки бу борадаги тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш мақсадида соҳанинг сир-асрорларини чуқур эгаллаган мутахассислар билан суҳбатлар

сидан ташқари, маҳалла ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақолалар, заҳматкаш инсонлар ҳақида лавҳалар, янгиликлар тўғрисида суратли репортажлар тез-тез бериб борилса нур устига аъло нур бўларди. Бу борада айниқса янгидан фаолият бошлаган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тажрибалири ўрин олган материалларга ало-

алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан.

Энди таклифлар масаласига келсак, истаъимизми-йўқми газеталар ҳаётимизнинг ойнаси демакдир. Шу боис, газетада «Оталар чойхонаси» номли саҳифа ёки рукн ташкил этиш ўринлига ўхшайди. Зеро, инсон ёши кексайгани сайин ҳазил-хузулга, шоду хурсандчиликка мойиллик сезади. Зеро, йиллар давомида чекилган заҳмат, турмушнинг аччиқ-чучуқлари инсонни шунга ундайди деб ўйлайман.

Бундан ташқари ушбу саҳифа орқали узоқ умр кўрган инсонларнинг ҳаёт йўли, ёшларга ибрат бўладиган жиҳатлари ҳақидаги мақолалар бериб борилса кони фойда бўларди. Чунки ёш залуғлиги, турмушнинг азал-азалдан шарқ дунёсида ўзига хос обрў-этиборга лойиқ кўрилган. Яратганга шукрлар бўлсинки бундай умри чинорларни шахримизда кўплаб учратиш мумкин.

Эркин ФУЛОМОВ,
«Адолат» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маҳалла ҳаётининг шахримиз газетасида акс этиши билан боғлиқ бўлган ижодий жараён ҳар қандай илиқ муносабатга, баҳога арзийди. Шу жиҳатдан олганда «Маҳалланг—отанонанг» саҳифасидаги долзарб руҳдаги мақолалар кўламини янада кенгайтириш лозимга ўхшайди. Айниқса, бу борада шарқ доғишмандлигининг бекиёс намуналаридан парчалар бериб бориш, жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган заковат соҳибларининг асарларидан газетхонлар ҳам баҳраманд этилса айни



кўнгидаги гап бўлар эди.

Бундан ташқари газета саҳифалари оилавий муносабатларга янгича қарашлар акс этган мақолалар билан безалса, бу борада республикамизнинг таниқли олимлари, узоқ йиллик турмуш тажрибасига эга отахону онахонларнинг панду насиҳатларига суянилса, бу ёшларимизнинг тарбиясига қўшилган таъсирчан ҳисса бўларди, деб ўйлайман.

Абдулла ИСРОИЛОВ, меҳнат фахрийси:

— «Оқшом» газеталарини 1966 йилдан бери мунтазам кузатиб келаман. Ўтган 40 йилга яқин вақт мобайнида шахримиз газеталари ўзининг ҳозиржавоблиги, воқеа-ҳодисаларни ҳолисона ёритиши билан ўзига хос қиёфага эга эканлигини

«Оқшом» газеталари — 2006 йилда ЮНУСОБОДДА ҲАМ МУШТАРИЙЛАР КЎПАЯДИ



дий режалар хусусида батафсил маълумот берди. — Албатта, ҳамма нашрлар қатори биз ҳам муштарийларимиз кўпайишини истаъимиз, — деди жумладан бош муҳаррир. — Шу сабабдан кенг кўламли ташкилий-ижодий ишларни амалга ошириб, газетамизни ҳафтасига уч марта ўрнига беш кун чиқаришга эришдик. Газетада мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни янада кенгрок қамраб олишга ҳаракат қиляёмиз. Бу борада газета ижодий жамоаси ўзининг ички имкониятларидан фойдаланиши баробарида бевосита газетхонларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларига таянишга, танқидий мулоҳазаларни тинглаб тегишли хулоса чиқаришга ҳам доимо интилади.

Таклифим шуки, газетада уй-жой

бўлу» тўпламининг тарқатилганидан сўнг эса муштарийлар таҳририятдан келгусида маънавият йўналишидаги мана шундай китобларни кутиб қолишларини айтдилар.

Куйида очик мулоқот пайтида ва учрашувдан сўнг билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар билан таништириб ўтамиз.

Дилором ОХУНЖОНОВА, Юнусобод тумани уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси мутахассиси:

— «Тошкент оқшоми» газетасини катта қизиқиш, ҳаяжон билан кузатиб бораман. Негаки газетанинг кундан кунга шахримиз ҳаётининг чинакам кўзгусига айланиб бораётгани барча газетхонлар қатори мени ҳам қувонтиради.

Таклифим шуки, газетада уй-жой

уюштириш лозим бўлар.

Шу билан бир қаторда ўзбекиона одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда товарак-атрофнинг тозаллигига эътибор қаратиш лозим эканлигига урғу берувчи мақолалар нашр юзини кўрса газетхонларнинг миннатдор бўлиши шубҳасиз.

Марат КАМОЛОВ, «Оқбат» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Маълумки, «Оқшом» газеталари ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча қирраларини бекаму кўст ёритиб келмоқда. Шу боис, Ватан ичра кичик бир Ватан дея тан олинган маҳалла фаолиятининг махсус саҳифа орқали ёритилиб борилаётганини қувонарли ҳол сифатида баҳолаш мумкин.

«Маҳалланг — ота-онанг» саҳифа-

Ойбек САТТОРОВ,
Тошкент молия институти талабаси:

— Ўзим талаба бўлганим боис, илм чўққиларини нечоғлик машаққат билан эгаллаш мумкинлигини яхши биламан. Айтиш керакики, ҳали бизда республика талабалари ҳаётини алоҳида ёритадиган оммавий нашрлар миқдори кам. Эътиборлиси, мамлакатимиздаги олий ўқув юртининг аксарияти пойтахтимизда жойлашган.

Шуни инobatга олиб, сеvimли газетамизда талабалар ҳаётини акс эттирувчи кўш саҳифанинг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Мазкур саҳифада талабаларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқлари, давлат стипендиатларининг намунали ҳаёт йўли ҳақида мақолалар бериб борилса яхши бўларди. Негаки талабалар ҳаётининг мана шу тариқа мунтазам равишда ёритиб борилиши юқоридаги масалаларга жавоб излашга хизмат қиларди...

Бўлиб ўтган учрашув жойларда шу каби жонли мулоқотларни ўтказиб туриш жуда муҳим эканлигини яна бир қарра исботлади. Зеро, охир-оқибатда муштарийларни ҳам, «Оқшом» ижодий ходимларини ҳам бир ришта ўзаро боғлаб туради — мухбирлар ижод қилиши, ўз қаламини доимий равишда чархлаб бориб, янгидан янги мавзуларга қўл уриши лозим бўлса, газетхонлар учун эса воқеа-ҳодисалар тўғрисида тезкор тарзда тайёрланган мақолалар, қизиқарли, турли-туман жанрдаги материаллар керак. Бунда айнан очик, ошкора учрашувлар давомида билдирилган ўринли таклифлар қўл келишига шубҳа йўқ.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманининг бугунги жамоли; «Оқшом» газеталари ижодий ходимлари билан ўтказилган учрашувдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Ўзбекининг тўйи кўп, байрамлари кўп. Аммо бу қувончли байрамлар, унутилмас даялар доирасида интиқлик билан кутадиган яна бир кун борки, у Мустақиллик кунидир. Шу кун биз учун катта байрам, байрам бўлганда ҳам овозлик ва ҳурлик байрамидир. Шунинг учун бу кунни зор, интизор кутамиз. Шунинг учун уни эъзозлаб, қадр-қимматини жойига қўямиз.

Мустақиллик йилларининг бир куни йилларга тенг, дея бежиз айтмаймиз. Сабаби кўска муддат ичида ҳар соҳада эришилган ютуқларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Маржон шодасидек бир-бирига монанд йилларимизнинг гўзал ном билан аталишини айтмайсизми? Серунум ва мазмунли кузатганимиз Қарияларни қадрлаш йили ўз ўрнини Обод маҳалла йилига бўшатиб берди. Юртбошимиз Мустақиллигимизнинг ўн иккинчи йилни Обод маҳалла йили деб эълон қилди.

«Маҳалла тинч — юрт тинч, маҳалла обод — юрт обод», — дейди халқимиз. Олиб борилаётган сивестаримизнинг ютуғи шундаки, миллий ва замонавий аъёнлар уйғунлашиб, фақат ўзимизга хос бўлган бир тизим яратилди. Халқимиз қадимдан маҳаллаларда яшаган. Маҳалла миллий аъёнларни сақлаган ҳолда замонавий бошқарув тизимига айланди. Қалбимизда ўз меҳнатимиз билан гуллаб-яшнаётган жойга — юртимизнинг бир бўлаги бўлган Ватан ичра Ватан бўлмиш маҳаллага муҳаббатимиз қарор топди.

«Оқшом» газеталари йилликнинг долзарб мавзуси бўлган бу масалага дастлабки кунлардан асосий эътиборни қаратди. Газетада «Обод маҳалла йили», «Маҳалла менинг — оилам менинг», «Тошкент маҳаллалари: кеча, бугун ва эртага», «Маҳалла Ватан ичра Ватан», «Маҳаллаимиз тарихини ўрганамиз», «Бугунги оқсоқол: у қандай бўлиши керак?», «Демократия мактаби», «Маҳалланг — отанонанг», «Оқсоқол маъсуляти» каби руҳлар пайдо бўлди.

Йилнинг муҳим воқеаларини илоҳи борича қамраб олиш газетачиликнинг асосий вазифаларидан бирига кириди. Албатта ижтимоий-сиёсий газета бўлган «Оқшом» бундан муастасно эмас. Мана шу нуқтага назардан келиб чиқиб, ўша йили шаҳримизда ўтказилган дунёнинг энг нуфузли молия ташкилотларидан бири — Европа тиклианиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгаши йиллик мажлисига бағишланган анжуманга тайёрларлик масалаларига газета ўз диққатини қаратди. Меҳмоннавоз халқимиз мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган бу йиллик воқеага нуносиб тайёрларлик кўра бошлади. Ушунда газета саҳифаларида пайдо бўлган «Тотувлик — тараққиёт омили», «Хамкорликдан мамнунимиз», «Ютуқларимиз намойиши», «Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакатини», «Бизнинг мақсад ва интилошларимиз муштарак» каби махсус руҳлар фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллик тантаналари ҳам «Оқшом» газеталари эътиборидан четда қолмади.

Шу йили академик шоиримиз Фафур Фулом таваллудининг ўз йилги нишонли адибетиимиз оламида ўзига хос ўрин тутган эди. Аллома шоиримизнинг бир асрлик муборак йилига бағишлаб газетамизда жуда кўплаб мақолалар эълон қилинди. Хусусан, бундай чиқишлар ҳақида гап кетганда Бахтёр Ризонинг «Фафур Фулом: Собит билан тортишувга ярайман», ҳамкасб ва жамоатчи муҳбирларимизнинг «Унутилмас учрашув», «Егудайин нур сочган шоир», «Хотира — қалб хазинаси» каби мақолаларини келтиришимиз мумкин. Айниқса булар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмадининг «Бир шеър тарихи» эсдалик мақоласи таҳсинга сазовордир. У шундай эслайди: «Бирон минг киши иштирок этаётган бозмада ногаҳон чироқ ўчиб қолди дейлик. Шу қоронғуликда Фафур Фулом ҳам базмга келди ва бир чеккага жимгина ўтирди. Уни ҳеч ким кўрмади, овозини ҳам эшитмади. Барбир шу базмга фойз кириб кетди. Сал ўтмай қоронғуликнинг у ер бу еридан гурра, гурра кўлгу кўтарилди бошлайди. Бир зумда Фафур Фулом базмга келгани сезилиб қолади. У ана шундай файзли одам эди. Фафур ака кирган уйга кўлгу эргашиб келарди. Ҳар қандай тунд одамнинг юзига табассум югурарди. Мен бу улуг зот билан кўп давраларда, сайлу базмларда бўлганман. Бирор қизик латиға ё ҳикоя эшитиш илжинида унинг озғига интиқ тикилган юзлаб кишиларни кўрганман...

46-йилнинг кеч кўзида Туроб Тўла икковимиз Фафур аканинг уйига шеър ёздирши учун боргандик. То Фафур ака шеърни тугат-

гунча қор ёғиб юборди. Бу биринчи қор эди. Фафур ака деразадан бир пас қараб турдида, ўзича нималарнидир шивирлади.

— Менга қараларинг, қазили палов егинларинг келяптими?

Биз ҳайрон бўлдик.

— Мен ҳозир Собир Абдуллага қорхат ёзмам. Шунинг қўлга тушмасдан топшириб келасизлар. Қазили паловни ана ўшунда ейсизлар. Агар қўлга тушиб қолсаларинг паловни ўзим қилиб бераман.

Фафур ака қоғоз-қалам олиб шеърин қорхат ёза бошлади. Ўша «Қорхат» шундай чиройли, шундай нувоқ ва айни пайтда шеърининг энг гўзал намунаси бўлганди.

Биз оқшомчилар учун газетанинг 10 мингинчи сонининг чиқиши ҳам ўзига хос қувончли воқеа бўлди. «Оқшом» газеталари тахририяти Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Биз ҳеч қимдан кам эмасимиз, кам бўлмаймиз» шiori остида газета жанрлари ва энг яхши суратлар учун танлов эълон қилган эди. Танлов якунлари худди шу кун чиқарилиб, тахририят голибларини тақдирлади ва мукофот билан уларни чин дилдан қутлади. «Оқшом»нинг бу қўтлуг санаси муносабати билан муштарий-

лалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги навабдига додлик қадам бўлди. «Балалар спорт» деган янги атама пайдо бўлди. Юртбошимиз болани спортга ошно этиш, уни жисмонан тайёрлаш алоҳида бир жараён эканини, бунга бефарқ қараш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Бугун юртимизнинг шаҳар ва туманларида, маҳалла ва кишлоқларида болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Яқин-яқинларга чa лицей, коллеж деган сўзларни эшитганимизда ҳатто биз катталар ҳам бир-биримизга савол назари билан қарардик. Орадан ўтган қисқа мuddат ичида бу сўз шунчалар оммавийлашиб, ҳаётимизга сингиб кетдики, бугун қичкина бола ҳам мактаб билан коллеж ўртасидаги фарқни англаб етadиган бўлди. Аслида бу ҳам Мустақиллигимизнинг шарофати. Ҳар томонлама юксалиб, дадил қадамлар билан бораётган жонажон республикамиз аҳлининг маданий-маънавий, ахлоқий ўсиб бораётганлигини белгисиз.

«Тaълим тўғрисида»ги Қонун ва Қaдрлар тaйёрлаш Миллий дастури қабул қилингандан кейин тaълим тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бугун келажаги буюк Ўзбекистоннинг ўғил-қизларини тараққий этган мамлакатларнинг турли шаҳарларида учратиш мумкин. Билимга қанқоқ бу ёшлар хорижининг дондгор олийгоҳларида турли касб ва соҳалар бўйича илм олиб, тажриба орттиришмоқда. Кечагина ҳатто рус тилида чала-чулла гапирadиган ёшлар орасида бугун ҳажонинг истаган тилида бемалол гаплаша оладиган йигит-қизларни истаганча учратиш мумкин.

Бу йўналишларнинг барчаси бугунги кунда ҳам «Оқшом» газеталарининг доимий мавзуси бўлиб келмоқда. Тахририят ҳодимлари бу борадаги барча янгиликлардан ўз ўқувчиларини мунтазам хабардор этиб туришибди.

Табииийки, ҳар бир газетанинг нуфузи уни муштарийлар орасида тутган ўрни, обуначилар сони билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам ҳар бир нашр, у қай йўналишдигандан қатъи назар ўз ўқувчилари сонини оширишга ҳарқат қилади. Ушунда ҳам даврий нашрларга обуначиларни қизиқтириш зарур. Худди шу кезлари, яъни 2003 йилнинг 5 октябрь кунин Наманган вилоятидаги «Косонсой» уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийига йўлланма билан дам олгани бордик. Орадан уч-тўрт кун ўтиб сўхатгоҳ раҳбариятининг ташаббуси билан бу ерда дам олаётганлар билан илоҳий учрашув ўтказилди. Гарчи учрашув илоҳий деб номланган бўлса-да, лекин у жонли мулоқот, яна ҳам тўғрироғи савол-жавоб кечасига айлиниб кетди.

— Мен Тошкентга борган дўстларимдан ҳар қал битта «Тошкент оқшоми» газетасини олиб келишни илтимос қиламан. Олдинлар бу газета барча республика нашлаари қатори вилоят газета дўконларига келиб турарди. Кейинги вақтларда бу аънана нега бузилди?

— Эшиттишимча, «Оқшом» газетаси янги йилдан бошлаб ҳафтага беш марта чиқарилган экан. Айтинги, бунинг сабаби нимада? Газетонлар талабими ёки давр тақозосими?

— «Оқшом»да турли мавзудаги мақолаларни ўқиш мумкин. Лекин сўнги вақтларда бугунги куннинг долзарб жанрлари — фельетон ёки очерклар қўринмай қолди.

Саволлар, саволлар, турли саволлар. Агар атайлаб уюштирилса ҳам бунақа учрашувни ташкил этиш қийин. Чунки бу ерда республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан дам олиш учун келган вакиллар бор эди. Савол берувчилар орасида қашқадарёлик чўпон ҳам, андижонлик пахтакор ҳам, навоийлик нурсоз ҳам, фарғоналик бобгон ҳам, гуллар шаҳри бўлмиш наманганлик миришкорлар ҳам, самарқандлик мураббий устозлар ҳам, қосонсойлик ҳамкасбларимизни ҳам учратиш мумкин. Уларга имкон қадар жавоб қайтардик. Турли вилоятлардан келган бу инсонларнинг газетамизга бўлган қизиқиши, меҳр-муҳаббати учун уларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирдик. Ана шунда «Оқшом» газеталарининг нафақат Тошкентимизда, балки республикамиз вилоятларида ҳам ўзига хос нуфузи борлигини билиб хурсанд бўлдик.

Учрашув баҳона ўша йили Наманганда «Оқшом»нинг бир неча обуначилари пайдо бўлди. Айни кунларда эса бошқа вилоятларда ҳам озми, кўпми даражада муҳлисимиз борлигини мамнуният билан қайд этгимиз келади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари



● ХИКМАТ: Мингта дўст кам, битта душман кўлдор.

БАЙТ:

Кўлингда бор экан токи имконинг, Биронинг кўнглига бермагин озор,

Минглаб кишиларни дўст тутмоқ яхши,

Аммо битта душман мингдан ҳам бисёр!

● Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қўл тортиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билишдан қочиш натижаси олий хулқидир.

Оғир меҳнатларга йўлиқди ҳар ким,

Таъма кўзини тикди дўсту душманга,

Қилган таъмасига етмаса агар,

Гина билан озор берди кўп танга,

Таъмагининг умри гам билан ўтар,

Оқибат дер бир кун, эвоҳ аттанга!

Ҳар кимса шод ила хандон яшади,

Борига сабр этса, бормайман—сенга!

● Адоватга дучор бўлмай десанг, мол-дунёдан қўл юв,

муҳаббат топай десанг, яхшилик ва эҳсон қил!

Ҳар ким дунё учун урса агар чанг,

Бало чанги уни айлади сарсон,

Ҳар ким элга берса бойлигин агар,

Барча балолардан бўлди соғ-омон.

ХИКОЯТ: Бир улуг киши ҳикоя қилиб деди: «Мен бир қавмин кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юрaverишар экан. Кўрганда эса, ҳол-аҳвол сўрашмас, фақат, ишдан гапириб, агар бир-бировига мол керак бўлса, қўлларида борини аямас эканлар, бунинг ҳеч қачон миннат қилишмас экан.

Яна шундай қавмин кўрдим. Агар бир кун кўрмаган бўлса, хол-аҳволни, қандай яшаётганини, бола-чақа, хотин-халажларни зўр эътибор билан сўриштиришар экан. Ҳатто, агар уйда жўжа бўлса жўжанинг холини ҳам сўраркан. Агар гап молдан чиқса тездagina чап бериб қочишар, арзимас бир нарсани беришга оғринишар экан».

Байт:

Юз марта ҳол— аҳвол сўрагандан кўра,

Бир тийин ҳада қил дўст экан очор.

Юзлаб ширин сўздан яхшироқ эрур,

Бир марта яхшилик айласанг минг бор.

Ёрдам қилиш агар бўлмаса дилдан,

Тилингни тийгина сўзлама зинҳор.

Қуп-қуруқ сўз билан алдаса ҳар ким,

У одам эмасдир, тулкидир айёр!

● Ишқ либосини кийишдан оор қилиш ва муҳаббат таза-тирдан бебаҳра бўлиш либознинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

Кимнинг юрагида муҳаббат бўлса,

Бузуқ наф кўйдан ўзини кутқарар.

Ҳаётнинг қўлидан зарба ер бир кун,

Ҳар ким муҳаббатсиз умр ўтказса.

Саодат кимёси ҳисобланур ишқ,

У қалбини айлагай бамисоли зар.

Чиллар саҳоси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ХИКОЯ

ларимиздан жуда кўплаб табрик хатларини олдик. Улардан базилларини келтирсак ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Пулат Мўмин /марҳум/ ўз фикрини шундай баён этганди:

— Тошкент оқшоми» мен учун кўп йиллардан буюн сеvimли ва қадрдон газета. Газетага узоқ йиллардан бери қатнашиб келаман. Унда мунтазам ёритиб бориладиган «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» рўкни остидаги донишмандлар ўғитларини ҳеч қолдирмай ўқиб бораман. Шунинг айтиши керак, газета болаларни ҳам унутмайди. Газета саҳифаларида «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» кунини адо этиб бурчаги» рўкни остида болалар учун шеърлар, ҳикоя ва қатрлар бериб борилаётганини қувонарликдир. Бундан ташқари газетамизда «Саломатлик — туман бойлик», «Маҳалланг — ота-онанг», «Шаҳрим — фаҳрим», «Инсон ва қонун» сингари бир қатор саҳифаларнинг мунтазам ёритиб борилаётгани оқшомхонлар эътиборини ўзига тортмоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш керакики, газетанинг илоҳий жамоаси доимо янгилик излаб топади, янги ташаббус қилиб қиқади. Бунга мисол — тахририят томонидан илк қалдирғоч сифатида «Тошкент оқшоми» кутубхонаси» рўкни остида «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» номли китобчининг чоп этилганидир.

— «Тошкент оқшоми» газетасининг ашаддий мухлисларидан бириман, — деб ёзганди ўшунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев. — Мен олган газетани хатто кўшнилари ҳам ўқишарди. Баъзи бирлари ўз фикр-мулоҳазаларини айтишарди. Умуман, газета жуда оммалашиб кетди. «Тошкент оқшоми»нинг ўзига хос фазилати бор. Яъни, одоб-ахлоққа катта эътибор қаратади. Миллий, илмий қадриятларимиз, маънавий меросимиз хусусидаги мақолалар доим бериб борилади. Айниқса, одоб, ахлоққа доир мақолалар, ҳикояларнинг аҳамияти жуда катта. Ана шу маънода жамоамизнинг ахлоқ-одоб мавзусини тақомиллаштиришда муҳим ўрни бор.

«Оқшом»нинг ўша йилги саҳифаларини варақлаган киши унда замонамизнинг атоқли шоир ва ёзувчилари сермахсул қатнашганлигининг гувоҳи бўлади. Хусусан, улар жумласига Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон Халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Ҳаким Назир /марҳумлар/, Уткир Ҳошимов, Мухаммад Али ва бошқаларни кириштириш мумкин.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Юртбошимиз томонидан айтилган бу иборани шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Унда фарзанд тарбияси ва камолоти йўлида ота-оналар, умуман жамиятимиз нималарга эътибор бериши кераклиги яққол ифода этилган. Балки шундан бўлса керак, Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёш авлодини барқамол, соғлом қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон бо-



Спорт — саломатлик гарови. Мана шу нақлга амал қилган ёшлар соғлом, жисмонан бақувват бўлиб вояга етадилар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Тошкент фармацевтика институтида фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари билан бирга Россия, Буюк Британия, Дания, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган мутахассислар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи экспертлари, хорижий фирма ва компанияларнинг юртимиздаги ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, маҳаллий хомашё асосида самарали шифо воситалари ишлаб чиқариш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг самараси ўларок, ҳозир юртимизда

дори-дармон ишлаб чиқарувчи етмишдан ортиқ маҳаллий ва кўшма корхона фаолият юритяпти. Ўз йўналиши бўйича минтақамизда етакчи ўринда турадиган Тошкент фармацевтика институтининг илмий-педагогик ва моддий-техникавий салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Институт тегишли олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот муассасалари, саноат кор-

хоналари, хориждаги нуфузли фармацевтика компаниялари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Етук мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда бундай ҳамкорлик гоат қўл келаётир.

Мамлакатимизда дори воситаларини стандартлаш илмий маркази ҳамда замонавий таҳлил услублари ўқув марказининг ташкил этилиши эса янги шифо воситалари яратаётган ва ишлаб чиқараётган илмий муассасалар, корхоналар фаолияти ривожига хизмат қилмоқда.

Анжуманда ахборот-коммуникация технологиялари ва фармацевтик таълим, янги дори воситаларини яратиш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш билан боғлиқ вазифалар, саноат фармацияси ва клиник фармакология истиқболлирига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Ватанимиз тақдир, келажакимиз бугунги униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар биримиз яхши биламиз. Фарзандни гўдаклигидан жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри улғайтириш, уларнинг онгини шакллантириш, ота-болаларимиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш барчамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Маънавият

КАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНДИ

Ана шундай тарбия жихатларини намён қилиш мақсадида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан Йўлдош Охунбобоев номли маданият уйида ташкил этилган «Қадриятларни улуғлаймиз» деб номланган концерт дастури барчанинг кўнглини хушнуд этди.

Дастурни Ўзтелерадиокомпаниянинг суҳандони Дилфоза Юсупова олиб борди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова, хонанда Азиз Раметов, «Ўзбегим» гуруҳи карнай-сурнай навалари остида дастур очилди. «Болалар бизнинг келажакимиз» шиори остида тумандаги мактаб, богча, маданият уйининг бадий дастурлари ва катнашчилари ўз чиқишлари билан дастурни бошлаб бердилар. Шунингдек спортчиларнинг чиқишлари, эстрада хонандалари ва бадий жамоаларнинг дилбар куй-кўшиқлари йиғилганлар қалбига хушнудлик бахш этди.

Барно ШЕРБОВЕВА

КИЧИК РОЛЛАР КИРОЛИ

«Ўзбеккино» миллий агентлигига қарашли киностудиялар ўзбек санъати усталарига бағишлаб қатор янги фильмлар яратдилар. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси томонидан экранлаштирилган навбатдаги постановка «Кичик роллар кироли» деб номланди.

Бу фильм ўзбек театри ва киноси ривожига ўзининг муносиб ижодий хиссасини кўшган атоқли санъаткор Миршохид Мирокитов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилди.

Санъатшунослик доктори-профессор Муҳсин Қодиров сценарийси бўйича суратга олинган бу экран асарига истеъдодли ёш санъаткор Элдор Мамедов режиссерлик қилди.

Ўзбекларнинг Чарли Чапли-

ни ҳисобланган Миршохид Мирокитов тўғрисида замондошлари хотиралари билан ҳам шу фильм орқали танишиш мумкин.

МУЗЕЙДА КОЛЛЕКЦИЯ

Мўъжаз графика асари сифатида кенг оммалашган китоб нашр белгилари ўзига хос санъат тури ҳисобланади. Китобларни босмага тайёрлаш жараёнида ноширлар бундай график белгилардан кўндан бери фойдаланиб келишмоқда.

Ана шу жараёнда кўплаб китоб наشري белгилари юзага келди. График рассомларнинг бундай ижодий ишлари коллекцияси тайёрланди. Тошкентлик филолог олим Сергей Зинин томонидан тўпланган бу коллекция ўзига хос музей экспозицияси сифатида намойиш қилинмоқда.

Бу кўчма кўргазма Тошкен-

тдаги Сергей Есенин уй-музейида ташкил топди.

ЯНГИ МУСИКАЛИ АЛЬБОМ

«Ниҳол» мукофоти соҳибдорлари бўлган истеъдодли санъаткорларнинг ижод намуналарини аудио ҳолида оммалаштириш тadbирлари кўрилмоқда.

Ўз ихрочилиқ маҳорати билан кўпчиликка танилиб қолган истеъдодли хонанда Абдулла Қурбоновнинг ҳам кўшиқлар аудио тўплами муҳлислар эътиборига ҳавола қилинди.

«Оққан дарё» деб номланган мусикали ёзувда ёш хонанда концерт репертуаридан ўрин олган «Кувёв тўра Абдулла», «Кел, сени», «Оққан дарё» каби кўшиқлар жамланди. Айни вақтда янги кўшиқлар альбоми ҳам тайёрланиб, сотувга чиқарилди.

Акбар Йўлдошев

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30
гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгагининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57,
55-67-42, 55-19-73.

ЛАТИФАЛАР

Тикувчи мижозининг газла-масини ҳадеб у ёк-бу ёғдан ўлчаб кўраверибди. Охири буюртмачи чидаб туролмасдан: — Ўзингизга қандай орттириб қолишни кўзлаясизми, деса: — Ҳа. Бироқ сизга қандай орттиришни ўйлаб бошим қотиб кетди, — дермиш.

— Ие, нима қилаясиз, бу тишимни эмас, мана бунисини олиш керак!
— Тинчланинг, азизим. Секундани унисига ҳам этиб борамиз.

Тўйдан сўнг кувёв келинга мурожаат қилди:

— Мени кечир, олдинги турмушдан иккита боламага алимент тўлайман.

— Ҳечқиси йўқ, бу бизнинг оилавий бюджетимизга халал бермайди, мен иккита болам учун алимент оламан.

Тўйдан бир канча вақт ўтгандан сўнг хотин эрига:

— Азизим, сенга бир янгилик айтмоқчиман, худди хоҳласа яқинда биз учта бўлаемиз.

— Ие, бу қанақаси, дарров а?!!

— Ҳа, сен тасаввур ҳам қилолмайсан, кейинги ҳафта онам бизникига кўчиб келаркан.

Хизматкор меҳмонларга шарбат улашиб юриб, бир мижозига мурожаат қилди:

— Кечирасиз, сизнинг рафиқангиз нима ичдилар?
— А, уми, менинг қонимни!..

Ўқитувчи ўқувчиларни оғохлантиряпти:

— Ҳеч қачон жониворларни ўпиш керак эмас. Нимага деганда, бу ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради. Ким шунга бирорта мисол келтира олади?

— Мумкинми, мен айтсам, — деди Валижон ва:

— Мана масалан, холам ҳамма вақт тўтиқушни ўлар эди.

— Нима қилибди шунга?
— Тўтиқуш жинни бўлиб қолди.

— Сизнинг уйингизда ким бошқарши вазифасини ўтайди? Сизми ёки эрингиз?

— Албатта, эримда! У мени ҳамма айтганларимни бажаради.

— Менимча, хотиним — мен билан ажрасмоқчи.

— Нега энди?
— Кеча хотиним уйга дугонасини бошлаб келди.

— Нима қилпти?
— Сен кўргангизда эди, у шунақанги гўзалки, асти қўявер.

— Мен қотибани ишдан бўшатмоқчиман, — дебди бошлиқ.

— Нега? — сўради ўринбосар.

— Яқинда, яъни менинг юбилейим куни уни кўчада иккита катта сумка билан юргангани учун ратиб қолдим. Мен унга ёрдамлашиб юбордим, уни уйигача кузатиб қўйдим. У мени бир пиёла қаҳва ичишга таклиф қилди.

— И, бу яхши-ку!
— Уникага кирдик, у мени бошқа хонада қолдириб, қачон ўзим чакирсам кирасиз деди.

— Бу жуда яхши-ку!
5 дақиқадан сўнг мени чақирди, мен кирдим, хонада шунақа дастурхон безатилганки, атрофда ишчиларим ўтиришибди.

— Бунинг нимаси ёмон, яхши-ку?

— Лекин сиз тасаввур қилмайсизми, мен қай аҳволда у ерга кирганимни...

Табиаат

ажойиботлари

**«ДУРАДГОР»
ЧУМОЛИЛАР**

Чумолиларнинг шундай турлари борки, уларга тўқувчи деб ном берилган. Кизиги шундаки, уй қуришда улар ўз гумбақларидан фойдаланадилар. Гумбақлардан чиққан қиёмсимон ёпишқоқ суяк-лик хавода тез қурийд ва ипак шаклидаги нафис ва ялтироқ игга айланади.

Баъзи чумолилар эса қурилажак уйларини барпо этишда ишлатиладиган дарахт япроқларини жағида сақлайди. Яна бошқа хил чумоли гумбагини оҳисталик билан озгида тишлайди ва уларни жонли моки сифатида уйнинг деворини тикиб қишда ишлатади, натижада янги қурилган уй худди ипак билан ўралгандек қуринишга эга бўлади. Юқорида тилга олинган ҳашарот личинкалари шундай ўта но-зик ип-тола тўқийдики, улардан бир нечасини бирлаш-тирдангагина одам сочи то-ласи қалинлигига тенг бўла-ди.

Терак, қайин ва ёнғоқ дарахти барглари орасида қувур шаклига кириб қолган япроқларни кўриш мумкин. Бу ялтироқ сариқ кўнғиз ишидир. Мазкур ҳашаротнинг ургочи тикувчилари шу усулда ўзларига ин қуради. Даставвал бўлажак она бар-нингнн озуқа бўладиган тола-ларини қирқади, бунда япроқ сўйиб анча юмбаб қолади. Шундан сўнг ҳаша-рот баргни қувур шаклига киргунга ўрайверади. Барг-нинг икала қиррасини бир-лаштириб, жағидан ажралиб чиққан ёпишқоқ модда би-лан уни қавшарлаб чиқади. Одатда бир кеча-кундузда бу жонивор икита уйча қуради.

Дурадгор деб аталувчи чумоли тури чириган тўнкалар орасида яшайди. Бу жажжи чумолининг уйлари иккинчи-сидан юпка пардалар билан ажратилган минглаб хоналар кўринишида бўлади. Хоналар орасида турли хил йўлақлар, дам оладиган хоначалар, зина-полярини кўриш мумкин. Шунингдек, эҳтиёт ер ости йўллари ҳам бор, улар дарахт тўнкасидан анча наридан ер юзига чиқади.

Сўлагидан елим сифатида фойдаланиш қалдирғокларда ҳам ўта тақомиллашган. Осиёда яшайдиган қалдирғочлар инларини ёпишқоқ модда ва емиш учун ишлати-ладиган сув ўтларидан қура-дилар. Хитойликлар қалдирғоч инидан тайёрланган та-омни тансиқ ҳисоблайдилар.

Термитларнинг ўта очоқша-диги ва ёгончи хуш кўриши ҳаммага маълум. Қисқа му-дат ичида қир чумолилар одамлар қурган иморатларни яроқсиз холга келтириб қўяди, улар ёгончин ички томонини вайрон қилади, яъни, қилиқ холига келтириб қўяди.

**Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари
доктори**



Стол тенниси

**КУБОК СОҲИБЛАРИ
АНИҚЛАНДИ**

Аввал хабар берганимиздек, шахримизда «Умид» спорт мажмуасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Кубоги учун ўтказилган стол тенниси бўйича баҳслар якунланди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ ўзаро ҳам-корлигида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган II Республика турнири, қизинг тарзда турт кун давом этди. Турнирда юртимизнинг барча вилоятларидан келган 56 нафар қатнашчилар бир-бирлари билан ўзаро куч синашдилар.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад ушбу қиз-қарли спорт турини янада оммавийлаштириш, ёшларни стол тенниси сабоқларига кенг жалб этишдир. — дейди биз билан сўхбатда «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев. — Қолаверса спорт ўсмирларнинг,

жисмонан бақувват, ақлан етуқ, ҳаракатчан бўлиб шаклланишларида ҳамisha муҳим омил саналиб келинган.

— Бугун Кубокни қўлга киритолмаганимдан афсусланаётган бўлсанда, аммо кейинги мусобақалардан умидим катта. Сабаби, тенгдошларимнинг уйинини кўриб стол теннисида кўпроқ нималарга аҳамият бериш лозимлигини тушунидим, — дейди ўз ҳаяжонини яширолмайдан учинчи ўрин соҳибаси Ирода Қаландарова.

— Халқаро мусобақаларда юртимиз шарофини муносиб ҳимоя қилаётган Саида Бурхонхўжаева, Манзура Иноятоваларнинг уйинлари-

ни кузатиб уларга ҳамisha ҳавасим келарди. Қаниқиди, мен ҳам мусобақаларда яхши қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритсам, деган умид билан машғулотларга қатнашардим. Бу менинг биринчи галабам. Демак, ўз кучимга ишониб бундан ҳам баяндрок чўққилар учун итилишим лозим, — дейди турнир голибларидан бири Нодира Бурхонхўжаева.

Турнирда кўпгина вилоятлардан келган иқтидорли ўсмирлар баҳс юритган бўлса-да, айниқса, пойтахтлик ёш теннис усталарининг имкониятлари юқори эканлиги сезилди. Чунончи, кичик гуруҳда ўғил болалар ўртасида Хоразм вилоятидан Сарвар Ражабов, қизлар баҳсида тошкентлик Нодира Бурхонхўжаева зафар қучган бўлса, катта гуруҳда ўғил болалар ўртасида ҳам-шахримиз Евгений Грудский, қизлар орасида Ксения Расказовалар кубокни қўлга киритдилар. Фосиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан дипломлар топширилди.

**Шахло ХОШИМОВА
СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар**

Республикамиз аҳолиси ва худудларни табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятни давр талаблари даражасига кўтарилш ҳамда фуқароларини рўй бериш эҳтимоли бўлган турли кўри-нишдаги офатлардан огоҳ этиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томо-нидан бир қанча хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қутқарув хизмати

ОФАРИН, ЙИГИТЛАР !

Аньанага айланган мазкур тадбирлардан бири, вазирлик тизимидаги авария қиди-рув-қутқарув тизимлари ва худудий «Қут-қарув хизмати» қутқарувчиларининг респу-блика мусобақаси шахримиздаги Алишер Навоий номидаги миллий бөгда ўтказил-ди.

Қутқарувчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлик бўйича маҳоратини ошириш, экстремал вазиятларда қутқарув асбоб-ан-жомилари ва техникалардан тўғри фойдала-ниш, аҳолини фавқулодда вазиятларга тай-ёрлаш ҳамда ёшларда қутқарувчилик кас-бига қизиқиш уйғотишда бундай тадбир-ларнинг аҳамияти катта. Бу мусобақада сараларнинг сараси аниқланди. Юқори на-тижалар кўрсатганлар орасидан «Энг иб-ратли йигит», «Энг яхши қутқарувчи», «Энг яхши қутқарув гуруҳи командири» аниқлан-ди. Биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси 1-даражали Фахрий ёрлик, кўма соврин ва қимматбаҳо совга билан тақдирланди. Ай-тиб ўтиш керакики, пойтахт жамоа қутқару-вчилари кўма соврин ва биринчи ўринни тўртинчи бор қўлга киритмоқдалар.

Мусобақанинг биринчи тури шарти бўйи-ча Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг уч нафар қутқарувчилари, яъни йўриқчи қутқарувчилар Баҳодир Исо-ков, Станислав Кузин ва кўп тоифали қутқ-арувчи Станислав Ерешкин қутқарув асбо-б-анжомларини олиб ўрнатилган уч тираслик нарвон орқали бинонинг учинчи қаватига тез-ликда чиқиб, ички зинаполярдан бинонинг тўртинчи қаватига кўтарилдилар. Шартли жароҳатланган жабрланувчининг жароҳатини боғлаб биринчи тиббий ёрдам кўрсатдилар. Бинонинг пастки қаватида ёрдамга тайёр турган кўп тоифали қутқарувчи Константин Рожков ва йўриқчи қутқарувчи Абдураим Со-диқов жароҳатланган одамни бинонинг 4-қаватидан эҳтиёткорлик билан махсус қут-

қарув асбоблари орқали санокли лаҳзалар-да ерда қабул қилиб олиб, тез тиббий ёрдам машинасига жойлаштириб, клиникага йўл ҳаракати хавфсизлиги жодимлари кузатувида олиб бордилар.

Биринчи тур шартини юксак касбий ма-ҳорат билан бажарганликлари учун пойтахт бошқарма жамоаси қутқарувчилари ҳакам-ларнинг юқори баҳосига сазовор бўдилар.

Мусобақанинг 2-тур синов шартларига қутқарувчилар назарий ҳамда амалий жа-воб бердилар. Жабрланувчига биринчи тиб-бий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус тайёр-гарликдан ўтган пойтахт бошқарма жамоа-си қутқарувчиларнинг тиббийёт соҳасида олган билимлари, амалиётда орттирган тажрибаларини синовдан ўтказдилар. Жа-роҳатланган кишига тиббийёт муассасаси-га етиб борулганга қадар кўрсатиладиган би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича бер-илган саволларга зукколик билан жавоб бериб, жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам бериш усулларини ҳам билимдонлик билан кўрсатдилар.

Икки кун давом этган мусобақанинг 3-тур шарти бўйича қутқарувчилар резинали қайиқ билан сувдан ўтиб, жабрланган одам-ни топиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш-лари, қутқарув асбоб-анжомлари, махсус жиҳозлар орқали жабрланувчини сув сатхи юзасидан киргоқнинг қарама-қарши томо-нига хавфсиз олиб ўтказишлари зарур эди. Пойтахт бошқармаси жамоаси бу вазифа-ни ҳам қисқа вақтда тезкорлик, абжирлик билан бажарди.

Мусобақа иштирокчиларини тақдирлаш маросимини кузатар эканмиз, барча қутқ-арувчилари ва айниқса биринчи ўринни эгал-лаб, голиблик шохсупасига кўтарилган Тош-кент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқ-армаси жамоасини кутлаймиз ҳамда офа-рин, халоскорлар деб қолаймиз.

Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА

Мунажжим башорати

**КАЙФИЯТИНГИЗНИ
КЎТАРИНГ**

26 ОКТАБРЬ, ЧОРШАНБА

Бугунги кун қўл меҳнати кун ва шунинг учун ҳам уни мунажжимларимиз аёллар кун деб аташган. Бунинг рамзий маъноси бор — яъни аёллар учун тиқиш-биқиш, тўқиш ишлари бугун омадли бўлarkan. Узоқ бўлмаган сафар-ларга йўл олиш мумкин. Оловга яқинроқ бўлиш, дағал таомлар, қовурма овқатлар, гўшт тановул қилиш керак. Пиво ва бошқа ачи-тиладиган ичимликларни ичиш мумкин эмас.

Мунажжим Л.Неведомская Ой тақвимиининг 23-кун — яъни бугун илми нуқумда "ибليس кун" деб аталишини эслатади. Бунда инсон табиатидаги ёмон жиҳатлар кўпроқ намоён бўлиб, бахиллик, кўролмас-лик, ҳасад каби иллатлар ғимирлаб қолarkan. Аҳвол-ни юмшатиш учун эшик-деразалар орқали исирик тутатиб, уйлари кўтариб чиқиш керак.

Кечки пайтларда ишқий саргузаштлардан эҳтиёт бўлиш лозим. Улар ғоят аянчли яқун топиши мум-кин. Ёлғиз ёки яхши таниш бўлмаган йигитлар би-лан сайрга чиқмасликка ҳаракат қилинг. Кувё йиг-ит ёки эрининг олдида ҳазиллашиб ҳам бирон аёлга тегажоллик қилиб бўлмайди. Шу вақт ичида йигит-ларга бирга сайр қилишни тақлиф этадиган аёл-ларнинг гапига кирмаслик тавсия этилади.

Бу кеча тушингизда ҳар турли даҳшатларни кўрсангиз — бу ҳам чигаллашиб кетган муаммолар-нингиз ечимига ишорадир.

Юрак-қон томир тизими бугун заифлашган ҳолат-да бўлади. Иложи борича жарроҳлик операциясини бошқа кунга кўчиришга ҳаракат қилинг.

Қизил ва сариқ рангли кийимлар сизга омад ба-ғишлаши кутилади. Ок, қора ва кўк ранглардан узоқ-роқ бўлинг.

ЧОРШАНБАДА:

- бошлаб қўйган ишингизни давом эттирдиг;
 - хизмат вазифаларингиз ва берган ваздала-рингизни ҳалол бажаринг;
 - мансаб пиллапоялари ҳақида ўйлаб, ташки-лотчилик қобилиятингизни кенг намоён этинг;
 - энг муҳим мулоқотларни суҳбатдошингиз би-лан ёлғиз ўтказинг;
 - бағрикенглик ва саховатингизни намоён этиб, одамларга яхшилик қилинг.
- Бошқалар кўмагисиз бажаришингиз қийин бўлган мураккаб ишларга қўл урмаганингиз маъқул.



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

каттар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ офсет
усулида босилади.
2496 нусxada босилди. Когоз бирини А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўғамларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер маркалида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашриёт-матбуот ширкатидаги компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.